

Ёш геологинг тажрибаси

Ерни масофадан зондлаш - ер юзидаги объектларнинг хусусиятларини ўлчаш усули бўлиб, бунда космик воситалар ёрдамида олинган маълумотлар асосида табиатда кузатилиши мумкин бўлган ҳодисалар ҳақида олдиндан маълумот олиш имкони вужудга келади. Соҳа, ёш тадқиқотчи Муҳиддин Жулиев тасаввуридегидек қизиқарли ва ўз ўрнида каттагина масъулият талаб қиладиган йўналиш. Унга бу йўлда табиатидаги синчковлик, ташаббускорлик, ёшлигидан қалбига сингдирилган ватан тақдирига дахлдорликни ҳис қилиш тушунчаси мадад бўлди, ҳамиша куч бериб турди.

Зиёли оиласида вояга етган Муҳиддин Жулиев, тоғ ёнбағирларида вояга етгани бир томон, Геология ва қидирув ишлари соҳасида фаолият юритувчи амакисига бўлган ҳавас бир томон бўлдию геологияни ўрганаман деган иштиёқ билан фанни ўрганишга киришди.

2003 йил Тошкент Давлат Техника Университетида геология йўналиши бўйича бакалавр талабаси бўлганман, - ҳикоя қилади, Муҳиддин. 2007 йили бакалаврни тугатиб, магистратурага қабул қилинганман. Бу даврнинг ҳаётимдаги аҳамияти жуда юқори. Нега деганда айнан шу йилларда Давлат геология қўмитасида иш ўргандим, устозларим сайъ-ҳаракатлари билан билимларимни амалиётда мустаҳкамладим. Биласиз, тажриба ҳар қаерда, албатта ўз сўзини айтади, Муҳиддин Жулиевда ҳам худди шундай. Давлат Геология Қўмитаси фаолият сабаб у геологияга янада чуқурроқ кириб борди. Магистратурани тамомлагач бир муддат Геология ва геофизика институтида стажер-тадқиқотчи бўлиб иш олиб борган Муҳиддин Жулиев 2012 йилда Ҳиндистоннинг масофадан зондлаш институтига Геоинформацион технологиялар ва масофадан зондлаш йўналиши бўйича ўқишга қабул қилинади.



Жулиев Муҳиддин

Ҳиндистон таассуротларини ўртоқлашаркан, у эслайди: "Ҳиндистонда ўтказган 9 ой ҳаётимда кескин бурилиш ясади, чунки бу даврда турли давлатлардан келган ёш мутахассислар билан бирга мен учун умуман янги бўлган йўналишни инглиз тилида ўзлаштириш бир тарафдан машаққатли, бошқа томондан жуда ҳам қизиқ бўлган. Бу ерда 12 та давлатдан 21 та талаба таълим олганмиз. Ҳиндистон ҳам космик технологиялар бўйича дунёнинг етакчи давлатлари қаторида туради етакчи мутахассисларга эга ҳисобланади. Ҳозиргача Ҳиндистонда бирга таълим олган гуруҳдошларим билан доимий фикр алмашиб турамиз ва уларнинг кўплари ҳам турли давлатларда докторантура йўналишида таълим олишмоқда".

Муҳиддин Жулиев тадқиқотлари давомида жуда кўп мамлакатларда бўлди. Саёҳатлари давомида ҳар бир ҳудуддаги табиатнинг ўзига хосликларини ўрганишга уринди, қиёсий таҳлил қилди. Бу таҳлиллар илмий журналларда чоп этилган 20 дан ортиқ мақолаларда акс эттирилди.



Мақолаларимнинг асосий мавзуси масофадан зондлаш ва геоинформацион технологияларни геофанлар йўналишида қўллашга қаратилган. Ҳиндистондаги гуруҳдошларим ҳам илмий мақолалар чоп этиш йўлида жуда ҳаракатчан бўлишган. Геология ва геофизика институтида фаолият олиб борадиган бир неча касбдош устозларимизнинг чет эл журналларида чоп этган мақолаларини ўқиб уларга жуда ҳавас қилар эдим. Кейинчалик қизиқишларим мени Австриянинг Вена шаҳрида жойлашган Табиий ресурслар ва табиий фанлар Университетининг докторантура талабаси бўлишимга сабаб бўлди. Университетнинг таълим жараёни менда ўзгача таассурот қолдирди, чунки кўп фанлар интерактив тарзда бўлиб жуда ҳам қизиқарли ташкил этилган. У ерда талаба ўзи қизиққан фанларни танлаш ва шу фанларга рўйхатдан ўтиш имконига эга. Ўқишим давомида кўплаб конференция, семинарлар, ёзги мактабларда иштирок этдим. Албатта ушбу учрашувлар даврида кўплаб ўзимни соҳамга оид бўлган етакчи олимлар ва ёш тадқиқотчилар билан танишиб фикр алмашдик.

Жулиев Муҳиддин



Яна таъкидлашича, хорижда ўтган ҳар бир кун Муҳиддин учун катта сабоқ. Мамлакатимиз томонидан яратилган шароитлар, устозларининг ишончи уни ҳар бир олган янги маълумотни қунт билан ўрганишга ундайди. Ана шу интилишлар сабаб Муҳиддин Жулиев 2019 йилда табиий фанлар бўйича PhD даражасига эга бўлди. Ҳали ҳам ҳаракатдан тўхтамаган Муҳиддин соҳада изланишда, ўрганишда давом этмоқда. Эндиги олий мақсад муносиб шогирдлар тайёрлаш. Зеро, мамлакат тараққиёти ҳам билим ва юксак салоҳиятга эга бўлган кадрлар билан узвий боғлиқ.

Жамғарма матбуот хизмати